

Булутлардан ўзмиш

Ҳимматлар

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Таржимон: *Муҳаммад Ҳабибуллоҳ*

Нашрга тайёрловчи: *Абӯ Абдуллоҳ Шоший*

2014 - 1435

IslamHouse.com

همم تناطح السحاب

[باللغة الأوزبكية]

مترجم: محمد حبيب الله

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2014 - 1435

IslamHouse.com

Биринчи хутба

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Ҳамду сано Аллоҳга хосдир. Биз у зотга ҳамд айтамиз, у зотдан ёрдам сўраймиз ва у зотга истиғфор айтамиз. Ўзимизнинг ёмонлик- ларимиз ҳамда амалларимизнинг ёмонликлари- дан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоятласа, уни кимса йўлдан оздиролмагай, кимни йўлдан оздирса, уни кимса ҳидоятга сололмагай.

Аллоҳнинг ёлғиз ўзидан бошқа илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман, у зотнинг шериги йўқдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотнинг бандаси ва расули эканига гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!»

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан

кўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир»

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди».

Аммо баъд!

Энг тўғри сўз Аллоҳнинг каломи, энг яхши йўл эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидир. Энг ёмон амал — тўқима амаллардир. Зеро барча тўқима амаллар бидъат ва барча бидъатлар залолат, залолат-ларнинг ҳаммаси дўзахдадир.

Биродарлар! Одамларнинг ўз олдиларига кўйган мақсад ва орзулари ҳар хил. Нафақат ўша мақсад ва орзулар, балки унга эришиш учун керак бўладиган ҳимматлари ҳам ҳар хил. Яъни, инсонларнинг мақсадлари ва унга эришишдаги

ҳимматлари ҳар хил. Баъзи бир кишилар жуда ҳам олий мақсадлар ва юқори вазифалар ҳақида гапиришади. Лекин уларнинг қилаётган ишлари айтаётган сўзларига тўғри келмайди. Ахли илмлар бундай кишини орзуга алданган дейишади. Зоро, орзу билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бошқа бир турли инсонлар борки, улар гапирмайдилар. Лекин уларнинг қилаётган ишлари уларнинг нақадар ҳимматли эканларини кўрсатади. Агар улар Аллоҳ йўлида бирор ишга чақирилсалар, ҳеч иккиланмасдан, сусткашлик қилмасдан ва қийинчиликларга қарамасдан, лаббай, деб келадилар.

Демак, инсонларнинг мақсадлари ва ўз олдиларига қўйган вазифалари ҳам, шу мақсад ва вазифаларга олиб борадиган уларнинг ҳимматлари ҳам ҳар хил.

Инсон иродасининг турли кўринишлари

Қуйидаги икки кишининг мақсад ва ҳимматларини солишириб кўринг. Бир бадавий (саҳройи) араб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга йўлда йўлиқиб: «Эй Мұҳаммад, Аллоҳ сенга берган бу мол-дунёдан менга ҳам бер! Бу мол-дунё на сеники ва на отангники», - деди. Энди Рабийъа Ибн

Каъб ал-Асламийнинг ҳимматини тасаввур қилинг. У йигитча тунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга таҳорат учун сув олиб келади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Истаган нарсангни сўра!», - десалар, йигитча: «Жаннатда сиз билан бирга бўлишни», - дейди. Жаннат истаган қаердаю, қийматсиз нарсалар истаган қаерда.

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ғаниматлар келиб қолди. У киши бу ғаниматни аҳли супа ва муҳтожлар орасида тарқата бошладилар. Абу Ҳурайра бу воқеани кузатиб турарди. У киши ҳам аҳли супадан бўлиб, ётгани жойи, кийгани кийими ва егани таоми йўқ эди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишининг муҳтож эканини билиб, шундай дедилар: «Эй Абу Ҳурайра, Одамлар келиб мендан бу ғаниматдан беришимни сўрашаябди. Сен ҳам сўрамайсанми?» Шунда у киши:

— Эй Расулуллоҳ! Мен сиздан битта нарса сўрайман.

— Нимани?

— Аллоҳ сизга берган илмдан менга ҳам ўргатишингизни.

— Бошқа нарса сўрасангчи?!

— Истагим шу.

Аҳли дунё ва назари паст одамлар доимо кийим-кечак, емак-ичмаклар ортидан юрадилар. Олийҳиммат кишилар эса факат Аллоҳнинг розилигини истайдилар. Абу Ҳурайра: «Мен сиздан битта нарса сўрайман. Аллоҳ сизга берган илмдан менга ҳам ўрнатишингизни», - деди. У Аллоҳ таоло аҳли илмларни юқори мартабаларга кўтаришини биларди, бирор киши Аллоҳ таолога илм талаб қилишдан кўра афзалроқ амал билан яқин бўла олмаслигини биларди.

Аллоҳ таолога илм билан ибодат қилинади ва Унинг тавҳиди ҳам илм билан бўлади. У зотнинг барча айбу нуқсонлардан пок, улуғ экани илм билан билинади. «Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур». Жаннат йўли илм йўлидир. «Ким илм истаб бир йўлга тушса, Аллоҳ таоло у кишини жаннат йўлига солиб қўяди».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам елкамдаги бир бўлак матони олдилар ва уни ўртамизга ёздилар. Мен у матода чумолининг ўрмалаб юрганини кўриб турадим. Кейин расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ҳадис айта бошладилар. Айтавердилар, айтавердилар, кейин менга: «Бу матони йиғиб ол!», – дедилар. Мен уни йиғиб олдим. Шундан кейин у кишининг сўзларидан бир ҳарфни ҳам унутмайдиган бўлдим». Бу ҳадисни ривоят қилган киши ҳам, беҳисоб ҳадисларни бизга нақл қилган киши ҳам Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бўладилар.

Дунё аҳли дунё талабида бўлсалар, олийҳиммат кишилар Аллоҳ таборака ва таолонинг хузуридаги (жаннат) талабидалар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳаётларининг охирида йиғлаб, Эй воҳ! Сафаримиз узоқ, қўлимиздаги озуқамиз эса (қилган амалимиз) оз, – деганлар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан олти мингта ҳадис ривоят қилганлар ва яна сафари узоқ бўлиб, кам амал қилганларини шикоят қилмоқдалар.

Ҳимматнинг турлилиги ва унинг жаннат талаби ҳамда дунё талабига таъсири

Ибнул Қайим роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Аллоҳга қасамки, ҳимматлар нақадар мұхим ва улар бир-биридан нақадар фарқлы! Баъзи ҳимматлар аршга осилған бўлса, баъзилари ҳожатхона атрофида айланади». Йигитлардан бир гуруҳи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдилар, улардан ҳар бирининг ўз истаги бор эди. Бири шафоат-ҳомийлик истаса, бошқаси молу дунё истагида ва яна бири ҳожати битишини истарди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса улардан иккисининг истакларини бажардилар. Учинчиларига навбат келганда, у Пайғамбари- миз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Сиздан бир истагим бор, фақат бу ўз ўртамиизда бўлсин», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу олийхиммат йигитга қараб:

— Нима истагинг бор.

— Мен сиздан молу дунё ёки дунёвий бир ҳожат истамайман. Мен сиздан фақат бир нарса сўрайман.

— Нима нарса экан?

— Жаннатда сиз билан бирга бўлишни истайман.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга йўл кўрсатдилар ва:

— Бу тилагинг амалга ошиши учун кўп намоз ўқиб менга ёрдам бер. Чунки сен Аллоҳга ҳар сажда қилганингда, Аллоҳ таоло у сабабли сенинг даражангни бир поғона кўтаради ва шу сабабли сенинг бир гунохингдан ўтади.

Ҳимматлар инсонни ҳаракатга келтиради. Фалончи билан тугунчининг фарқига бир назар солинг! Нимага фалончи жуда қаттиқ совукда иссиқ жойини ташлаб, Аллоҳнинг жарчисига (муazzинга) лаббай, деб ижобат қиласди. У ўз парвардигори таборака ва таолонинг жарчисига қулоқ солиб, шаҳвати ва жойини ташлашига уни нима ундаид?! Айни пайтда тугунчи Аллоҳнинг жарчиси «Намоз уйқудан афзал!», – деб жар соганини эшита туриб, ўрнидан тура олмади, ҳолбуки, у намозга чиқмаслиги сабабли мунофиқлар сафига қўшилиб қолишини яхши билади. Фалончини ҳаромдан бир сўм ҳам

олмайдиган, тугучини эса ҳалолданми ё ҳаромдан еяётганига эътибор бермайдиган қилиб қўйган нарса нима? Унисини тоат қилишга нима ундамаоқдаю, бунисини тоатдан нима тўсиб қўймоқда? Унисини нима ҳаромдан тийиб қўймоқдаю бунисини ҳаром ишларни қилишига солиб қўйяётган нима? Бу жаннатдан бошқасини эваз бўлишига рози бўлмайдиган олий ҳимматлардир! Шунинг учун ҳам Ибнул Жавзий роҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Умр жуда ҳам қимматбаҳо, уни жаннатдан бошқасига алиштирма!» Инсонлар икки турли бўлади, учинчиси йўқ: «Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охират истаган кишилар ҳам бор». Улар бир-бирларидан фарқлидирлар. Айтилган сўздан кўра қилинган ишнинг таъсири каттароқ. Бир мураббий фарзандларидан бирига айтган экан: «Сенинг асосий ғаминг асло еб-ичиш, турар жой ва уйланиш бўлмасин. Булар нафснинг ғами, қалбнинг ғами қаерда қолади? Ҳақиқий ғаминг – сени ғамга солган нарсадир. Шундай экан сенинг ғаминг Аллоҳнинг розилиги ва охират ҳовлисидаги саодатмандлик бўлсин!»

Умар ибн Абдулазизнинг ҳиммати

Умар ибн Абдулазиз олий ҳиммати билан қандай қилиб улуғлар сафига қўшила олгани ҳақида сўров бўлди. У ўзининг қисқа халифалик даврида Хулафои Рошидинларнинг бешинчиси бўла олди. Унинг халифалиги икки йил, беш ой ва бир неча саноқли кунлар давом этган, холос. Лекин у шу вақтда қанча нарсани амалга оширгани Аллоҳга аён. Одамлар ўзаро бир-бирларидан сўрашади, қандай қилиб Умар Ибн Абдулазиз бунчалик ишларни амалга ошира олди? Жавоб шу эдики, у ҳар бир қадамини Ёлғиз Аллоҳ учун деган ниятда ташлаган. Ўз ҳаётини Аллоҳ таборака ва таоло учун баҳшида қилган эди. Шу сабабдан бир ўзи қисқа вақт ичида, узок йиллар мобайнида бир қанча қавмлар қила олмаган ишларни рўёбга чиқарди. У киши амир бўлишидан илгари аёли Фотимага: «Эй Фотима, менинг ўч нафсим амирликни истаябди», – дер эди ва амир ҳам бўлди. Амир бўлганидан кейин ҳимматлари юксалиб кетди ва аёлига: «Эй Фотима, менинг ўч нафсим халифаликни истаябди», – деди ва халифаликка ҳам эришди. Барча мусулмонларга, қирқдан ортиқ ислом диёrlарига амир бўлди. Ер юзининг шарқиyo ғарби у кишининг қўл остида, у кишига тобе бўлди. Халифа бўлганидан кейин

ҳиммати янада юксалди ва аёлига: «Эй Фотима, менинг ўч нафсим жаннатни истаябди», – деди ва жаннат сари интилиб, жаннат учун амал қилди. Ҳайит куни жон чиқиш вақти яқинлашганда одамларни ҳузуридан чиқиб кетишга буюрди. Улар чиқдилар ва кимнингдир ушбу оятни ўқиганини эшилдилар: «Биз ўша охират диёрини ер юзида зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилувчи кишиларни кидир». Аллоҳ унинг ажрларини мўл қилиб берсин. Унинг мақсади пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек ягона эди: «Ким ғамларни битта ғам — охират ғами — қилса, Аллоҳ таоло унинг дунё ва охират ғамларини аритади».

Иродалар қандай юксалади

Мақсаднинг аниқ бўлиши ҳимматнинг кучайишига сабаб бўлади.

Энди сиз мендан қандай қилиб ҳиммат кучайтирилади, деб сўранг. Авваламбор, биз ҳаётимиздаги асосий мақсадни аниқлаб олишимиз ҳамда ҳаётимизнинг қадр-ҳимматини билмоғимиз даркор. Кўпчилик одамларнинг тириклиги худди

ўликлик кабидир. Улар бор бўлгандан кўра йўқ бўлганлари яхшироқ. Улар на ўзлари учун ва на динлари учун ва на уммат учун бирор бир иш қилган эмаслар. Улар ҳайвонлар каби еб-ичиб, яшаб юрибдилар. Мана шу уларнинг қайгулари, мана шу уларнинг ҳаётлари. Олийҳиммат кишиларнинг эса ўз олдиларга қўйган мақсад-вазифалари бор. Уларнинг мақсадлари Аллоҳнинг сўзигина юксак, кофир кимсаларнинг сўзларии эса қуи бўлишидир. Шу мақсад йўлида яшаб, шу йўлда жонларини берадилар. Агар мақсад аниқ бўлса, йўл равshan бўлади.

Эй олийҳиммат киши, шуни ҳам билгинки, йўлда тўсиқлар ва қоқилиш ҳам бўлади. Агар одам «Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз» оятининг маъно-сини билса, бу тўсиқлардан ўта олади. Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Агар мўмин киши тоғ олдида туриб, шу тоғни жойидан кўчираман, – деса, Аллоҳнинг изни илиа кўчириб юборади». Агар юксак ҳимматли, қалбига иймон мустаҳкам ўрнашган киши тоғни талқон қиласман, – деса, агар у «Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз» оятининг маъносини билса Аллоҳнинг изни илиа у тоғни талқон қиласди. Шуни ҳам билгинки – Аллоҳ сени ўз

паноҳига олсин – бу дунёда қилиш имкони йўқ факат иккитагина иш бор:

- Биринчиси: Кавний ишларни ўзгартириш. Аллоҳ таоло Қуёшни шарқдан чиқаради. Биз уни ғарбдан чиқара оламизми? Бунинг иложи йўқ.
- Иккинчиси: Шаръий ишларни ўзгартириш. Аллоҳнинг динини ўзгартириб ёки алиштириб бўлмайди. Аллоҳ таоло пешин намозини тўрт ракаат қилиб фарз қилган. Биз уни уч ёки беш ракаат қила оламизми? Бўлиши мумкин эмас.

Шу иккаласигина бўлиши мумкин эмас. Бу иккисидан бошқа ҳар қандай нарсанинг иложи бор. Ҳаёт сўқмоқларида борар экансан, «иложсиз» деган сўз фактат ожиз кишиларнинг қомусида бор эканлигини унутма. Билгинки, энг осон амалга ошадиган нарса муваффақият- сизликдир. Йўлингда тўғаноқлар бор эканини ва сен «Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз» оятининг маъносини билсангина улардан ўта олишингни билиб олишинг зарур. Лекин сен йўлингда давом этар экансан, ким учун амал қилаётганингни аниқлаб ол! Аллоҳ учунми ёки бошқаси учунми? Мақсадинг охират саодатими ёки дунёми? Мақсадинг

Раҳмоннинг жаннатими ёки ўткинчи дунё ва ундаги ноз-неъматларми? Йўлингни ва ким учун амал қилаётганингни аниқлаб ол!

Аллоҳга интилиш ҳиммат ошишига сабаб бўлади

Аллоҳнинг китобига яқин бўлиш ҳимматни оширади. Саҳобаларни Куръон тарбиялаган эди. Бугун биз Куръондан қанчалик узоқ эканимиз ёлғиз Аллоҳга аён. Дин душманлари бизни мусиқа, телевизор ва ҳар хил каналлар билан алдаб қўйдилар. Уларнинг мақсадлари бизни устуворлигимиз ва қувватимиз манбаидан тўсиш. Бу манбамиз ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Мен сизларга шундай нарсани қолдираяпманки, агар сизлар уни маҳкам ушласанглар, мендан кейин ҳаргиз адашмайсизлар; Аллоҳнинг китоби ва менинг суннатим».

Жазоир мустамлака қилинди. Мустамлака Жазоир ахолисининг устидан ўнлаб йиллар мобайнида қора булат каби соя солиб келди. Ваниҳоят душманлар ўзларини бу диёrlар ва унинг ахолисига тўлиқ хукмрон бўлдик, – деб ўйлаган бир вақтда, бирдан эркаклару аёллар ҳатто ёш болалар

күлларига Қуръонни баланд күтариб, күчаларни түлдириб: «Биз ҳаёт эканмиз, жиҳод қилишга Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилғанмиз», – деб айтиб чиқдилар. Улар бу кучни қаердан олдилар? Уларга бу рух қаердан келди? Қуръондан келди. Агар биз Аллоҳ таборака ва таолонинг китобига қайтсақ, бизнинг кучимиз ҳам, руҳимиз ҳам қайтиб келади.

Душманларнинг бугунги қундаги энг асосий мақсадлари бизни **«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (хеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас** (яъни Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё хужжат келиб, уни ботил қила олмас, чунки у) **ҳикмат ва ҳамду-сано эгаси томонидан нозил қилингандын»** бу азиз китобдан узоқлаштириш. Жаннат тўғрисидаги оятларни ўқинг, дўзах тўғрисидаги оятларни ўқинг-чи, қани ҳиммат кучаймас эканми?! Ушбу оятни яхшилаб тааммул қилиб кўринг: **«Магар Аллоҳнинг покиза бандалари бордирки; Ана ўшалар учун маълум ризқ; (хар турли) мевалар бўлур. Ва улар ноз-неъмат боғларида сўрилар устида бир-бирларига рўбарў ўтирган ҳолларида хурмат-иззат кўрувчиidlар. Уларга оқар чашмадан ичувчилар учун лаззат бўлган оппоқ (шароб) косалари айлантириб турилурки,** у

(шароб)да маст қилувчи – ақлдан оздирувчи нарса бўлмас ва улар ундан маст бўлмаслар. Яна уларнинг олдиларида кўзларини (бегоналарга қарашдан) тиювчи, гўё яшириб қўйилган (оппоқ) тухумдек (захаланмаган) оҳу кўзлар бўлур. Бас улар (яъни аҳли жаннат) бир-бирларига қараб саволжавоб қилурлар. (Шундай суҳбатларнинг бирида) улардан бири дсди: «Менинг бир дўстим бор эди. У (менга) «Ростдан ҳам сен (ўлганимиздан сўнг яна қайта тирилишимизни) тасдиқ этувчиларданмисан? Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам (қайта тирилтирилиб) жазолангучимизми?» дер эди. (Сўзловчи ҳаёти дунёда охиратни инкор қилган дўсти ҳақидаги ҳикояни тутатгач, жаннатдаги биродарларига): Сизлар (ҳам мен билан бирга ўша дўстимнинг дўзахдаги ҳоли нима бўлганига) қаровчимисизлар?», деди. Сўнг ўзи қараб уни дўзахнинг ўртасида кўргач деди: «Аллоҳ номига қасамки, дарҳақиқат сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг. Агар Парвардигоримнинг неъмати (яъни ҳидояти) бўлмаса эди, албатта мен (сен билан бирга дўзахга) ҳозир қилинувчилардан бўлур эдим. (Қани менга айтгин-чи) бизлар фақат биринчи ўлимимиздан бошқа ўлувчи эмас

эканмизми?! (Бир марта ўлганимиздан сўнг тирилиб азобланувчи эмас эканмизми? Албатта мана шу (ахли жаннат етадиган неъматлар) улуғ баҳтнинг ўзиdir. Бас, амал қилувчилар мана шундай (мангу баҳт саодат) учун амал қилсингилар! Мана шу яхшироқ зиёфатми ёки заққум дараҳтими? Ҳақиқатан Биз уни (яъни Заққум дараҳтини) золим кимсалар учун фитна қилиб қўйдик».

И з о х. Дўзахда Заққум дараҳти бўлиши ҳақида сўзланганида кофиirlар «Дўзахда қандай қилиб дараҳт ўссин, ахир дўзахнинг ўти уни куйдириб юбормайдими?», деганлар. Шунинг учун юқоридаги оятда кофиirlар Аллоҳ таолонинг қудратига шак келтирганлари учун у дараҳт тўғрисида зикр қилинганида, ақллари бовар қилмай фитнага дучор бўлишлари уқтирилди.

Дарҳақиқат, у дўзах қаърида ўсадиган бир дараҳтдир. Унинг мевалари (хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар (шундай экан унинг мазасини сўрамай қўявер). Бас улар (яъни дўзахилар) албатта ундан еб, қоринларини тўлдирувчиidlар. Сўнgra албатта уларга (Заққум меваларининг) устига аралаштирилган қайноқ сувдан мажбуран ичирилур. Сўнgra уларни яна дўзах азобига қайтарилур (яъни

қайноқ сув уларнинг бутун ички аъзоларини куидириб битганидан сўнг, энди дўзах ўти уларнинг баданларини куидирур). Албатта улар ўзларининг ота-боболарини йўлдан озган ҳолда топдилар. Энди ўзлари ҳам уларнинг изларидан чопмоқдалар».

Бундай оятлар ҳимматни оширмаса, унда ҳимматни нима оширади?! Агар нафслар жаннатга муштоқ бўлмаса, унда нимага муштоқ?! Агар нафс дўзахдан қочмаса, бундай оятларни тинглаганида нима қиласди?! Ҳимматни жаннат ва дўзах оятлари олий қиласди.

Салафлар сийратини ўқиш ҳимматни оширади

Ҳиммат — салафи солиҳларнинг сийрати- ни ўқиш билан олий бўлади. Мен сенга уларнинг кучлилари ёки соғломлари ҳақида эмас, узрли бўлган касаллари ҳақида айтиб бераман. Уларнинг бу узрлари Аллоҳ таборака ва таолонинг розилигига етишларига монеълик қилмаган. Абдуллоҳ Ибн Умму Мактум қўзи ожиз, узрли киши эди, лекин у қалби билан нурни кўра олди. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Уйим узоқда, йўлда эса заараркунанда ҳашоратлар кўп, мени

масжидга етаклаб келадиганим йўқ», – деди. У учун уйида намоз ўқишига барча шаръий сабаблар муҳайё эди. Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:

— Аzonни эшитасизми?

— Xa.

— Унда мен сиз учун узрни кўрмаяпман.

Шундан кейин у бу кўзи ожиз одам жамоат намозидан бирор марта қолмади ва бирор марта бомдод намозига ҳам ухлаб қолмади. Нега кўзи кўрадиган кишилар ухлаб қоладилар?! Куч-куввати бор кишилар нима учун жамоат намозига чиқмайдилар?! Нимага соғлом кишилар дангасалик қиласадилар?! Кўзи ожиз бўла туриб азонга лаббай, дер эди. У киши эмас, қасамки, қулоғи эшитиб, кўзи кўра туриб Аллоҳнинг буйруқларини бажармаган киши ҳақиқий кўрдир. Аллоҳга қасамки, одамлар Аллоҳнинг тўғри йўлини йўл тутганларини кўра туриб, уларни у йўлдан тўсган киши ҳақиқий кўрдир. Бу кўзи ожиз саҳобийнинг ҳиммати фақат беш вақт намозни ўз вақтида адо қилишга чекланиб қолган деб ўйлайбсизми? Осмонлар ва ер раббиға қасамки, ундей

эмас. Умар разияллоху анху Шом юртларига чиқиш учун қўшин ҳозирлаганида у киши ҳам уруш кийимларини кийиб, ҳозирланиб чиқди. Шунда Умар разияллоху анху у кишига қаратада: «Эй Ибн Умму Муктум, каерга отландингиз? Ахир Аллоҳ сизнинг узрингизни қабул қилганку. Аллоҳ таоло: «(Жиҳодга чиқмай қолишдан) кўзи ожиз кишига хараж-танглик йўқдир», – демаганми?» — деди. Шунда у олий ҳиммат билан жавоб берди:

— Мени шаҳид бўлишдан қайтарасизми, эй Ибн Хаттоб?

— Душманга нима ҳам қила олардингиз?

— Мусулмонларнинг сонини кўпайтириб тураман.

У қўшин билан бирга чиқди. Қўшин саф тортганида – мен орқа сафда тураман, мени камон ўқи ва найзалардан ҳимоя қилинглар, – демади. Аксинча, ўзиниг олий ҳиммати ва содик нияти билан жанг ўртасида турди ва: «Мен бугун сизларга байроқни кўтариб тураман», – деди. Байроқни кўтариш масъулияти қанчалигини биласизми? Байроқни ботирлар- гина кўтаради, байроқни кўтаришга яроқли

кишиларгина кўтаради. Бу байроққа нима ёзилганини биласизми? Унга «Ла Илаҳа Иллаллоҳ» – деб ёзилган. Кўзи ожиз саҳобий туриб: «Мен сизларга байроқни кўтариб бераман», – деди. Кўр у эмас, Аллоҳга қасамки, сен билан мен кўрмиз.

Олий ҳимматли кишилар ҳаётларининг қийматини билганлари учун уни Аллоҳ таборака ва таолонинг йўлида сарфлаганлар. У «Ла Илаҳа Иллаллоҳ» байроғини жанг майдонида кўтариб турар экан, бунинг баҳоси қиммат эканини ҳам яхши билар эди. У байроқни йикитиш учун душманлар тарафидан ўзининг асосий нишон эканини билар эди. Байроқ унинг кўлидан тушмади. Чунки у олий ҳимматли эди. Шу кун қуёш ботиши билан жанг ниҳоясига етди. Улар Ибн Умму Мактумни изладилар. Қарасалар, у киши табассум ила байроқни бағрига босиб, жон берган экан. Ўша куни Аллоҳ таоло мусулмонларга улкан нусратни берди.

Бу одам нима учун чиққан эди? Мана шу «Ла Илаҳа Иллаллоҳ» байроғини олий қилиш учун чиққан эди. У қиёмат куни қандай ҳолатда қайта тирилади? У саноғини Аллоҳдан бошқаси билмайдиган тумонат кишилар ичida шу байроқни кўтариб қайта тирилади. Аллоҳ ҳаққи, менга айтингларчи, Аллоҳ таоло бутун

халойиқни түплайдиган ўша кунда бу байроқни күттарған кишилар қанча бўлади? Бу байроқ учун яшаганлар қанча? Бу байроқ йўлида ўзларини фидо қилганлар қанча?

Аллоҳим бизни ҳам улар жумласидан ва улар билан бирга қил! Аллоҳим бизга Ислом билан нусрат бер ва ислом нусратига бизни сабабчи қилгин, ё Роббал оламин! Аллоҳ таоло менга ҳам, сизларга ҳам Қуръондан фойда олишни насиб қиласин. Ундаги оятлар ва ҳикматли эслатмалардан фойдалантиrsин. (Ушбу сўзларни айтар эканман, Аллоҳ таолодан мени ҳам сизларни ҳам барча гуноҳларимизни кечиришини сўрайман! Сизлар ҳам Аллоҳга истиффор айтинглар! Зеро у зот кечиримли ва раҳмли зотдир).

Иккинчи хутба

Йўргакда теккан — кафандা кетар

Аллоҳнинг берган яхшиликларига ҳамд бўлсин. Бизни тўғри йўлга бошлагани учун шукрлар бўлсин. Аллоҳнинг ёлғиз ўзидан бошқа илоҳ йўқ эканига у зотни улуғлаб гувоҳлик бераман. У зотнинг шериги йўқ. Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотнинг бандаси ва у зотнинг розилигига чақиравчи элчиси эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳим у зотга, у кишининг аҳлига, сахобалари ҳамда ёру биродарларига саловат ва саломларинг бўлсин.

Аммо баъд....

Азизларим, мен ўзимга ҳам сизларга ҳам Аллоҳдан тақво қилишни насиҳат қиласман. Аллоҳдан кўрқинглар, эй Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳга қайтадиган кундан кўрқинглар!

Билингки, ким бир нарсага ёшлигида одатланса, қариганда ҳам ўшандек қолади. Ким ёшлигида тоат-ибодатда бўлса, қариганида ҳам тоат-ибодатда бўлади, ибодатда вафот этади ва Аллоҳнинг

изни ила ибодат қилган ҳолида қайта тирилади. Зеро, амалларнинг охиргиси эътибор қилинади.

Мен сизларга Аллоҳнинг тоатида тарбия топган бир одам ҳақида сўзлаб бераман. У одам ёшлигини, балки бутун умрини Аллоҳнинг розилигига бифишилаган. Ўлимига қадар ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини Аллоҳ таолонинг розилиги учун сарфлаган. Тўққиз-ўн ёшидан бошлаб аzonга муҳаббати бўлган, аzon айтишни севган. У ёшлик чоғида гоҳ-гоҳида масжид муаззинидан аzon айтишга изн сўраб турар ва муаззин ўрнига аzon айтар эди. Ўн икки-ўн уч ёшларга етганида масжид муаззини аzon айта олмай қолди ва бу болакай ёши кичик бўлишига қарамасдан аzonга муҳаббати бўлгани боис муаззин қилиб тайинланди. Ёшлигиданоқ мунтазам аzon айтди, масжидга муҳаббат қўйиб, аzon айтиб, ҳар куни «Аллоҳу Акбар. Аллоҳу Акбар». – деб такрорлаб ёшлигини ўtkazdi. Кексайгунига қадар аzonни тарк қилмади.

Аллоҳ ҳақи менга айтингларчи, у давомий аzon айтар экан, неча марта таҳrimага етишди экан? Қанча вақт аzon билан иқомат орасида Аллоҳга дуо қилиб, ёлворди экан? Қанча вақт Қуръон

ўқиб ўтирди экан? Қанча вақт жаннат боғларида ўтирди экан?

Ота бўлди, лекин аzonни қолдирмади. Молдунёси ва болаларнинг тарбияси уни аzon айтишига, «Ла Илаҳа Иллаллоҳ» ва «Аллоҳу Акбар» дейишига тўсқинлик қилмади. Қари чол бўлганида ҳам бу ишини қолдирмади. Одамлар унинг азонига қараб оғиз очиб, оғиз ёпардилар. Чунки у азонга энг қаттиқ қизиққан ва энг вақтида айтадиган киши эди.

Иликларидан мадор кетиб, юриши оғирлашган қария бўлганда ҳам масжидга боришни ва аzon айтишни қолдирмади. Фарзандлари ҳам унинг соясида ва қарамоғида тарбия топиб, оталари каби масжидга муҳаббат қўйиб улғайдилар. Зоро, қуш инида кўрганини қиласди.

Узоқ йиллардан кейин бу одамнинг оиласи ва болалари у киши тарбия топган, униб-ўсган ва ҳаётини ўткзган масжидидан узоққа кўчиб ўтдилар шу боис беш вақт намозга бориб-келиб аzon айтиш қийинлашиб қолди. Шунда бу одам фарзандларига: «Мени бомдод намозида масжидга олиб бориб, хуфтондан кейин олиб келинглар», – деди. Узоқ йиллар шу ҳолатда давом этди. Бомдоддан

хуфтонгача Аллоҳнинг уйида Қуръон ўқиб, зикр қилиб, Аллоҳ таборака ва таолонинг уйига хизмат қилиб ўтириди.

Касаллиги оғирлашгани туфайли уйда ўтириб қолди ва узрли кишилар сирасига кирди. Ҳар қачон аzonни эшитса йиғлар ва неча маротаба «Аллоҳу Акбар» ва «Ла Илаҳа Иллаллоҳ» деганини эслар эди.

Кунларнинг бирида пешин намози бўлганида бу киши ўзини енгил ҳис қилди ва болаларидан уни масжидга олиб боришларини илтимос қилди. Гусл қилди, хушбўйланди, энг яхши кийимларини кийди ва масжидга барвақт, аzon айтилишидан олдин борди. Муаззиндан аzon айтишга изн сўраб, изн олди. Узоқ узилишдан кейин яна аzon айтди. У гўзал кунларда неча маротаба бу абадий чақириқни айтганини эслаб, йиғлаб-йиғлаб, «Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар... Ла Илаҳа Иллаллоҳ» – деб аzon айтди.

Аzon кетидан аzon дуосини ҳам айтиб бўлгач, Аллоҳ учун икки ракъат намоз ўқиш мақсадида бироз ортга тисарилди. Намозни бошлаб, рукуъ қилди, сажда қилди ва шу унинг охирги саждаси бўлди. У саждадан бошини кўтартмади. Парвардигорининг хузурига Унга сажда қилган ҳолда йўл олди. Аzonни

севиб яшади ва аzonни айтиб бўлиб дунёдан ўтди. Шу йўлда ўсиб улғайиб, шу йўлда кексайиб, шу йўлда жон берди.

У аzonни, намозни, масжидни, Қуръонни, дуони, тасбехни, такбирни ва таҳлилни севар эди. Мен билан сиз нимани севамиз? Улар Аллоҳни севгандилар, Аллоҳ ҳам уларни севди. Улар Аллоҳ розилиги йўлида жонларини бердилар, эвазига Аллоҳ таоло уларнинг оқибатларини гўзал қилди. Зеро, олий ҳимматлар ва содик ниятлар билан нимани истасангиз шунга етасиз.

Эй йигит, амал қилиб қол! Сенинг куч-куватинг бор. Эй қария, амал қилиб қолинг, сизнинг вақтингиз кам. Умрлар бизга номаълум, ажаллар эса белгиланган. Тез кунда ҳаммамиз экканимизни ўрамиз. Ҳимматингиз сизни ё жаннатнинг юқори даражаларига, ё жаҳаннам-нинг тубига олиб боради.

Аллоҳдан олий ҳиммат ва розилигига етишга ёрдам сўранглар. Шайхулислом Ибн Таймияроҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Мен дуоларнинг энг гўзали ва энг фойдалисини ўйлаб кўриб, у — Аллоҳнинг розилигига етишга ёрдам сўраш эканини билдим». Шундай экан эртаю кеч *اللهم أعني على ذكرك* «*اللهم أعني على ذكرك*

وَشْكُرُكْ وَحْسَنْ عَبَادَتْك. «Аллоҳим сени зикр қилишга, сенга шукр қилишга ва сенга гўзал ибодат ибодат қилишга менга ўзинг ёрдам бер», – деб тақрор-тақрор дуо қилинг.

Аллоҳим, бизнинг нафсларимизга тақво-сини бергин ва уларни ўзинг покла. Зеро, сен уларни энг яхши покловчисан.

Аллоҳим, бизга иймонни суюкли қил ва уни қалбимизга гўзал қилиб кўрсат! Бизга куфр, фисқ ва осийликни ёмон қилиб кўрсат. Ё раб, бизни тўғри йўлдагилардан қил.

Аллоҳим, бизга ҳақни ҳақ қилиб кўрсат ва унга эргашишни насиб айла. Ботилни бизга ноҳақ қилиб кўрсат ва ундан сакланишни насиб айла.

Аллоҳим, бизни ички ва ташқи, барча фитналардан ўзинг сақла.